

“ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИ” КАТЕГОРИЯСИННИГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИГА НИСБАТАН ИЛМИЙ НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Ю.А.Тойиров

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
кафедра доценти в.б.*

Аннотация: мазкур ишда тижорат банклари ресурслари категориясининг иқтисодий моҳияти юзасидан шаклланган назарий ёндашувлар таҳлили натижалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, ишда мазкур масала юзасидан муаллифлик ёндашуви келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, тижорат банки ресурслари, пассив операциялар, актив операциялар, ташқи муҳим ресурслари, ички муҳим ресурслар, ресурсларни қайта ишилаш жараёни

Сўнгги йиллар давомида тубдан янги молиявий технологияларнинг амалий фаолиятга татбиқ этиш жараёнларининг изчил амалга оширилиши тижорат банклари фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида бир қатор муаммоларни юзага келтирди. Мазкур муаммолар ўз навбатида тартибга солиш органлари томонидан таъминланган ва таъминланмаган криptoактивлар бозорини мониторингдан ўtkазиш бўйича тегишли стандартлар ва пруденциал назорат механизmlарини ишлаб чиқилишига олиб келди. Хусусан, “Молиявий барқарорлик бўйича кенгаш” томонидан глобал стейблкоинлар бозорини тартибга солиш бўйича мониторинг ўtkазиш принциплари¹, “Тўлов ва бозор инфратузилмаси масалалари бўйича Комитет” томонидан тизимли стейблкоинларга нисбатан молиявий бозорлар инфратузилмаси учун стандартлар², банк назорат бўйича Базель комитети томонидан криptoактивлар бўйича банк рискларини пруденциал тартибга солиш механизmlари³ ишлаб чиқилмоқда. Бундай шароитда тижорат банклари ресурсларининг иқтисодий моҳияти юзасидан янги ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши, фикримизча, муҳим назарий-услубий ва амалий аҳамият касб этади.

Юқори эътироф этилган мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда банк ресурсларининг иқтисодий моҳияти юзасидан илмий ёндашувларни таҳлил этишга ҳаракат қиласиз. Банк фаолиятининг фундаментал асосларига бағишланган илмий манбаларда банк ресурслари хусусий ва жалб қилинган маблағлардан иборат эканлиги таъкидланган. Хусусан, проф. Е.Ф.Жуков, Л.М.Максимова, О.М.Маркова ва бошқа олимлар томонидан тайёрланган “Банклар ва банк операциялари” номли дарсликда:

¹ Financial Stability Board (FSB). Addressing the regulatory, supervisory and oversight challenges raised by “global stablecoin” arrangements. <https://www.fsb.org/wp-content/uploads/P140420-1.pdf>

² А. Нарайн, М. Моретти Регулирование криptoактивов. <https://www.imf.org/ru/Publications/fandd/> асосида

³ Basel Committee on Banking Supervision. Prudential treatment of cryptoasset exposures.

<https://www.bis.org/bcbs/publ/d519.pdf>

“банк ресурслари пассив операцияларни амалга ошириш орқали шакллантирилади. Пассив операциялар моҳиятан турли турдаги омонатлар, бошқа банклардан олинган кредитлар, хусусий қимматли қоғозларни эмиссия қилиш, шунингдек, банк ресурслари ҳажмини оширувчи бошқа операцияларни амалга ошириш ҳисобланади. Банк ресурсларининг асосий қисми жалб қилинган маблағлардан иборат бўлиб, актив операцияларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг 90 фоизигача бўлган қисмини қоплайди. Банк ресурсларининг алоҳида шакли банкнинг хусусий маблағлари (капитал) ҳисобланади” деб кўрсатилган⁴. Проф. О.И.Лаврушин таҳрири остида нашр этилган “Банк иши” дарслигига банк ресурслари актив операцияларни амалга ошириш учун банк ихтиёрида бўлган хусусий ва жалб қилинган маблағлар жамланмаси эканлиги қайд этилган⁵. Ш. Абдуллаева томонидан тайёрланган “Банк иши” фани бўйича дарслигига қайд этилишича: “Банк ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган пассив операциялар орқали ташкил топади ва банк балансининг пассив қисмida юритилади. Банк ресурсларини катта икки қисмга бўлиш мумкин. Булар, банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардир. Жалб қилинган маблағлар баъзи ҳолларда иккига бўлиб қаралади – бу жалб қилинган депозитлар ва сотиб олинган ресурслардир. Бу ресурслар банкнинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади, яъни банк ресурслари даромад олиш учун турли хил соҳаларга жойлаштирилади...”⁶.

Ўзбекистонлик олим А.М.Раҳимовнинг “Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари” номли илмий тадқиқот ишида республикамиз тижорат банклари депозит базасини кенгайтириш билан боғлиқ қўйидаги муаммолар аниқланганлиги эътироф этилган:

банкларнинг хусусиятли томонларидан бири шундаки, тижорат банклари фаолиятини тўлиқ ўз маблағлари ҳисобига эмас, балки жалб қилинган маблағлар ҳисобига ташкил қиласидилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда, банклар депозит базасини кенгайтириш учун жалб қилинган маблағлар устидан доимий назорат йўлга қўйилмаганлиги;

банкларининг жамғарма депозитлари миқдорини ошириш орқали уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги;

банк депозит базасини кенгайтиришда жалб қилинган маблағларнинг муддатлари ва фоиз ставкаларининг ўзаро номутаносиб эканлиги;

банк депозит сиёсатини ишлаб чиқишидаги муаммоларнинг мавжудлиги;

республикамиз тижорат банклари депозит базасини кенгайтиришга қаратилган стратегиянинг ишлаб чиқилмаганлиги⁷.

⁴ Банки и банковские операции: Учебник для вузов / Е.Ф.Жуков, Л.М.Максимова, О.М.Маркова и др. / Под ред. проф. Е.Ф.Жукова. М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997. С.115-116.

⁵ Банковское дело: Учебник. –2-е изд., перераб. и доп. / Под ред. О.И.Лаврушина. М.: Финансы и статистика, 2000. С.68.

⁶ Ш. Абдуллаева. Банк иши. Тошкент. Тошкент молия институти, 2003 й. 100 бет.

⁷ А.М.Раҳимов. Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Тошкент 2019 йил. 23-бет.

Банк ресурсларининг иқтисодий моҳияти юзасидан муаллиф томонидан амалга оширилган тадқиқотлар асосида қўйидаги хуносаларни қайд этиш мумкин:

-биринчидан тижорат банкларининг ресурслари банк фаолиятининг ташқи ва ички муҳитида шаклланади. Ресурсларнинг шаклланиши жараёни банк таъсири доирасидан ташқарида бўлган сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий омиллар ҳисобига юзага келади ва унинг таркибий тузилмасини белгилаб беради. Шунингдек, мазкур омиллар ресурсларнинг ҳажми, муддати ва қийматига таъсир ўтказади. Шунингдек, банклар томонидан ресурсларни жалб этиш манбаларини танлашда муҳим ўрин эгаллади;

-иккинчидан, тижорат банклари томонидан жалб этилган ресурслар активларга жойлаштирилмайди балки қайта ишланади. Қайта ишлаш жараёнида бош эътибор қонунчилик нормалари, тартибга солиш мезонлари ва меъёрлари ҳамда мижозларнинг тўловга қобил талабига қаратилади. Шу билан бир қаторда, банк томонидан ишлаб чиқилаётган маҳсулот ва хизматларнинг иқтисодий самарадорлиги ресурсларнинг ҳажми, муддати ва қийматига тўлиқ боғлиқ бўлмасдан, банкда бизнес жараёнларни ташкил этиш моделлари, ходимларнинг малакаси, ускуналар ва дастурий таъминот ва бошқа воситаларнинг самарали фойдаланиши даражаси билан белгиланишини қайд этиш зарур. Бу эса ресурслар самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Financial Stability Board (FSB). Addressing the regulatory, supervisory and oversight challenges raised by “global stablecoin” arrangements. <https://www.fsb.org/wp-content/uploads/P140420-1.pdf>
2. Togayev, S., & Xujamurotov, S. (2023). The role of bank management in the assessment of efficiency of commercial bank’s activity. *research and education*, 2(1), 12-16.
3. Basel Committee on Banking Supervision. Prudential treatment of cryptoasset exposures. <https://www.bis.org/bcbs/publ/d519.pdf>
4. Тогаев С. Банк фаолиятини макропруденциал тартибга солишнинг услубий ва амалий хусусиятлари //Scienceweb academic papers collection. – 2019.
5. А.Нараин, М.Моретти. Регулирование криптоактивов. <https://www.imf.org/ru/Publications/fandd/>
6. Ibodullayevich, B. T., & Sobirovich, T. S. (2022). Tijorat banklarining moliyaviy barqarorligini ta'minlashning metodologik asoslari. *Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions*, 152-159.
7. Тогаев С. Distribution financial resources in the role of government //Scienceweb academic papers collection. – 2017.
8. Банки и банковские операции: Учебник для вузов / Е.Ф.Жуков, Л.М.Максимова, О.М.Маркова и др. / Под ред. проф. Е.Ф.Жукова.М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.

9. Тогаев С. ["Bank ishi" fanidan ma'ruzalar kursi](#) //Scienceweb academic papers collection. – 2016.
- 10.Банковское дело: Учебник. –2-е изд., перераб. и доп. / Под ред. О.И.Лаврушина. М.: Финансы и статистика, 2000.
11. Тогаев С. [Tijorat banklari faoliyatini tartibga solishda iqtisodiy normativlarni o'rni](#) //Scienceweb academic papers collection. – 2015.
- 12.Ш. Абдуллаева. Банк иши. Тошкент. Тошкент молия институти, 2003 й.
- 13.Тогаев С. [Kredit riskini boshqarish va uni tartibga solish](#) //Scienceweb academic papers collection. – 2011.
- 14.А.М.Рахимов. Тижорат банклари депозит базаси ва уни кенгайтириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Тошкент 2019 йил.